



Тошкент шаҳар Миробод тумани
давлат хизматлари марказида
рўйхатга олинди

2020 йил “08” 06



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
(TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI)**

У С Т А В И

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Устави

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат шарқшунослик университети (Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сон Қарори асосида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Тошкент давлат шарқшунослик университети (кейинги ўринларда - Университет деб юритилади) давлат олий таълим муассасаси ҳисобланаб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ўкув-педагогик, илмий-методик ва бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатлари ва мазкур Уставга амал қиласди.

4. Университет юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Университет жойлашган асосий манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Тошкент давлат шарқшунослик университети (Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti); қисқартирилган номи - “ТДШУ”, “TDSHU”;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Ташкентский государственный университет востоковедения; қисқартирилган номи – “ТГУВ”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи - Tashkent State University of Oriental Studies; қисқартирилган номи – “TSUOS”.

П. Тошкент давлат шарқшунослик университетининг асосий йўналишлар, мақсад ва вазифалар

5. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимашунослик, шунингдек, туризм ва гид ҳамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукаммал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш;

шарқ мамлакатларининг ривожланиш омиллари, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, шарқ маданияти ва мероси, қадими ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

республикада шарқ тиллари ва адабиёти, тарихи, маданияти, фалсафаси, сиёсати ва иқтисодиётини ўқитиши бўйича таянч олий таълим муассасаси сифатида хорижий мамлакатларнинг тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда шарқ тилларини билиш даражасини баҳоловчи методикаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, тил таълими соҳасида ҳамда Шарқ мамлакатлари бўйича ахборот берувчи замонавий медиа маҳсулотлар ва электрон ўқув адабиётларни ишлаб чиқиш;

шарқ мамлакатларидаги замонавий тенденциялар, тарихий жараёнлар, шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик ва монографиялар чоп этиш;

талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар са-марадорлигини ошириб бориш;

шарқшунослик ва шарқ маданий мероси соҳаларида профессор-ўқитувчиларнинг республика ҳамда хорижий мамлакатларда стажировка ўташ ва уларнинг малакасини ошириш ишларини мунтазам ташкил этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда республика учун истиқболли бўлган янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш ҳамда халқаро лойиҳаларни амалга ошириш.

6. Университетнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

таълим хизматлари бозорида университетнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мунтазам ўз-ўзини ривожлантириш ва билимларни янада ошириш;

Университетнинг мамлакатни индустрисл-инновацион ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурини, Университетнинг халқаро таълим макони, шунингдек, республика таълим маконига интеграциясини таъминловчи инновацион моделини жорий этиш;

талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш;

таълим олувчиларни ватанпарварлик, халқига, миллий қадриятларга ва Ўзбекистоннинг маънавий меросларига муҳаббат ва ҳурмат, Университет обўсиға эҳтиёткорлик руҳида тарбиялаш;

жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини тўплаш, асрарни бойитиш;

ирқи, миллати, жинси, яшаш жойи, жамиятдаги аҳволи ва диний эътиқодларидан қатъи назар тенглигини таъминлаш;

шахснинг ҳар томонлама баркамол камол топишига, жумладан, спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолиятни амалга ошириш орқали зарур шарт-шароитларни яратиш;

таълим олувчиларда фуқаролик позициясини шакллантириш, масъулиятлилик, мустақиллик ваижодий фаолликни ривожлантириш;

иктидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион, шу жумладан, халқаро қўшма лойиҳалар доирасидаги фаолиятга жалб қилиш;

аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини ошириш

битирувчиларга бўлган эҳтиёж, рақобатбардошликни ҳамда Университет дипломларининг халқаро тан олинишига эришишни таъминлаш мақсадида таълим дастурларини хорижнинг энг яхши анологлари, маҳаллий меҳнат бозори талабларини ривожлантириш истиқболлари билан уйғунлаштириш;

профессор-ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг малакасини, иқтисодий ва ижтимоий мавқеини ошириш;

долзарб муаммолар ечимиға йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва олиб бориш;

олий таълим, олий таълимдан кейинги тайёргарлик соҳаларида халқаро кооперацияларни, профессор-ўқитувчилар ва талabalар тажриба алмашинишини ривожлантириш, энг яхши маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, биргалиқда илмий тадқиқотлар олиб бориш, стратегик менежмент тажрибасини трансфер қилиш;

Университетнинг таълим фаолияти ва ресурс таъминотини ривожлантириш;

олий таълимни тизимли модернизациялашни таъминлаш;

Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

касалликнинг турли хил патология, тур ва шаклларини инобатга олган ҳолда ногирон ва соғлиги туфайли имконияти чекланган таълим олувчи шахслар учун дастурлар яратиш, таълимнинг медиа техника ва дастурий воситалари, ма-соғавий таълим технологиялари, тўсиқсиз муҳитни яратиш;

дарслик, ўкув қўлланма ва монографияларни ёзиш, чоп этиш ва тиражини белгилаш;

университет хузуридаги академик лицей фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш;

талabalар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг соғлом овқатланишини ўрнатилган тартибда ташкил этиш.

7. Университетнинг асосий мақсадлари қуидагилардан иборат:

илғор билимларни пайдо қилишга қодир, ўз-ўзини доимо ривожлантириб борадиган, мамлакатнинг индустриал ва инновацион иқтисодиёти учун интеллектуал капитални ошира оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ягона илмий ва таълим комплекси сифатидаги инновацион олий таълим муассасасини яратиш;

республиканинг олий маълумотга эга юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш;

янги ахборот технологияларини таълимга кенг жорий қилиш ва ўқув жараёни, шунингдек, илмий тадқиқотлар интеграциясини кучайтириш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

халқаро таълим маконига интеграциялашиш.

8. Асосий мақсад, вазифа, фаолият турлари ва Университет фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Университетни ривожлантириш дастури билан белгиланади.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Талабалар:

9. Университет ректори буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс университет талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда баҳолаш, рейтинг дафтарчаси берилади.

Университетга талабаларни қабул қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Университетга қабул барча учун (грант ҳамда тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаганabituriyentlarning давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуки таъминланади. Қолганabituriyentlar тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофик абитуриентларни тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

10. Университет талабалари:

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

университет ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, соҳага оид янги ўзгаришлар ва сўнгги ютуқлар асосида чоп этилган миллий ва хорижий адабиётлардан, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриклар олиш;

аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда Университет раҳбариятига, шунингдек, факультет деканлари ва кафедра мудирларига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

университет ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларида ва илмий-амалий конференцияларда қатнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақда ахборотлар бериш.

университетда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш ҳукуқларига эга.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳукуклардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳукуқларини сунистеъмол қиласлиги, бу ҳукуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

11. Давлат грантлари бўйича ва стипендияли тўлов-контракт асосида ўқитишининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талabalар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва микдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талаба тегишли норматив-ҳукуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Алишер Навоий, Ислом Каримов номли давлат стипендиялари ҳамда Университет ректори томонидан ажратилган бошқа рағбатлантирувчи стипендиялар, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳукуқига эгадирлар.

12. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин. Талабага академик таътил бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талabalарга университетда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечикириш имкони берилади.

14. Университетнинг Талabalар турар жойига муҳтоҷ талabalari университетнинг талabalар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган турар жой билан таъминланиши мумкин. Турар жойига муҳтоҷ талabalар мавжуд бўлган ҳолда, университетнинг талabalар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар) га рухсат этилмайди.

Университетда таълим олаётган талabalарга ўқищдан бўш вақтларида университетнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

15. Университетда талabalар сафидан чиқарилган талаба ўқишини кўчириши, белгиланган қоида ва тартиб асосида қайта ўқишга тикланиш ҳукуқига эга.

Талабани талабалар сафидан чиқариш, қайта тиклаш, ўқишини университетдан бошқа олий таълим муассасасига кўчириш, қайта тиклаш ва талабалар сафидан чиқариш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

16. Университет талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўкув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари ҳамда университет Уставига, Ички тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидалари ва Талабалар турар жойи қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, талабаларни ўкиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

17. Ушбу Устав, университет Ички тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидалари ва Талабалар турар жойи қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан хайфсан ҳамда талабалар сафидан чиқариш каби чоралар кўрилади.

Талаба университетдан қуидаги ҳолларда талабалар сафидан чиқарилади:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) ўкув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-аҳлоқ қоидаларини бузганлиги учун;
- д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- е) ўкиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);
- и) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

18. Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуий курснинг тегишли ўкув семестри бошидан бошлиши мумкин.

Талабалар ўкув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўtkазиш ва жамлаш тизими жорий этилган ўкув йилидан бошлаб университетда академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талабалар

куйи курсдаги тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модулларни) такроран ўқиши мумкин.

Курсдан қолдирилган талаба ушбу Низомнинг 17-бандидаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин.

Талаба университетда талабалар сафидан чиқарилганда, унга шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йифмажилдига тикиб кўйилади.

Касаллик пайти талаба ёки унинг ота-онаси ариза ва тегишли тиббий маълумотномани бир ҳафтадан кечиктирмасдан университет раҳбариятига маълум қилиши шарт.

Мазкур Устав ва университет ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган талабаларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган интизомий чоралар қўлланилади. Интизомий чорадан норози талабалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли органларга мурожаат қилиш мумкин.

Университетда таълимнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолдаги ўқув шакллари ўқув режаларини муваффақиятли ўзлаштираётган талабаларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган имтиёзлар (маош сақланган ёки сақланмаган ҳолда кўшимча таътил, университет жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл ҳаки ва бошқалар) берилади.

19. Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

Университетда олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати”га мувофиқ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги рухсати асосида таянч докторантурা, докторантурा ва мустақил изланувчилик орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институти – ОТМ ёки ИТМ да таянч докторантурা, докторантурা ва мустақил изланувчилик шаклларида олий ўқув юртидан кейинги таълимни амала ошириш тизими;

таянч доктарантурা – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чукур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича ташкил этиладиган олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

докторантурা - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чукур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида

улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSe) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича ташкил этиладиган олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчилик – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSe) илмий даражалари изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

стажёр-тадқиқотчилик – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тегишли ихтисослик бўйича илмий изланишларни олиб бориш ва фалсафа доктори (PhD) олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

Университет фанлар ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар фаолиятини ташкил этади.

Университетнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари.

20. Университетда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, мұхандислик-техника, маъмурий-хўжалик ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, асистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

21. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 246-сон қарори)

Университет ректори тавсиясига кўра Ўқув ишлари бўйича проректор ҳамда Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгashi, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Факультет деканлари Университетнинг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

22. Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари:

белгиланган тартибда университет ва факультет Кенгашиларига сайлаш ва сайданиш;

университетнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

университетнинг ахборот-ресурс маркази, ўкув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофик фойдаланиш;

ўқитишининг услугуб ва воситаларини танлаш, ўкув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

ўзлари ишлаётган факультет, кафедрадан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлиқ асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда маълумотнома тақдим этиши лозим);

хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўкув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўкув қўлланмалар тайёрлаш;

назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услугбини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

23. Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, университет Устави, Ички меҳнат тартиби, одоб-аҳлоқ коидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқот қиласиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний буйруқ ва фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўкув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўкув юкламалари ҳажмини, ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ўкув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўкув қўлланма тайёрлаш, ўкув агадиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда бевосита иштирок этиш;

д) Университет Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра томонидан амалга оширилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

мехнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

университетнинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита етказилган хақиқий моддий зарарни қоплаш;

университет жамоатчилик ишларида катнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

таълим олувчиларни танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

ўқитаётган фанини хорижий шарқ ва ғарб тилларида ўтишига эришиш ҳамда замонавий ахборот технологияларидан белгиланган талаблар асосида малакасини ошириб бориш;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни мунтазам ошириб бориш;

“Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириклирлган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўзининг ҳулқи, одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўrnak бўлиш; кийиниш маданиятига риоя этиш;

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй берадиган янгиликлардан хабардор бўлиш;

университет, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам равишда фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

инновацион, интерактив, янги замонавий педагогик технологияларни кўллаш орқали ўтаётган фани бўйича сифатли ўқитишни таъминлашга эришиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

ҳар ўкув йили бошлангунга қадар ўқитиладиган фан(лар)нинг ишчи ўкув дастури, календарь режаси ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчи журналида баҳоларни ўз вақтида кўйиб бориш ҳамда уларни белгиланган тартибда тўғри юритиш бўйича шахсан жавобгар эканликларини эътиборда тутиш;

талабалар билимини янги жорий этилган талаб ва қоидалар асосида холисона баҳолаш;

илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш.

24. Университет профессор-ўқитувчилари таркибининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

25. Университетнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўкув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

университетнинг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ва барча ходимлари ҳамда талабалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида, мобиъе телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори иловасидаги Низом бандлари талабларига риоя қилишлари лозим.

IV. Ўқув, тарбиявий, методик, илмий ва инновацион ишлар

26. Университетда шарқ тиллари ўқитиладиган таълим муассасалари ўқитувчилари учун доимий фаолият юритувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилади ҳамда курслардан муваффиятли ўтган педагог кадрларга белгиланган намунаидаги сертификат берилади.

27. Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4680-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим муассасаларида ўз малакаларини оширадилар.

Илмий тадқиқотлар куйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

давлат илмий-тадқиқот дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари.

Университет таълим икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавр дастурини тутатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига кўра таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистр дастурини тутатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига кўра тайёрланган муайян мутахassislik бўйича “магистр” даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидағи диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқиши давом эттириш хукуқини беради.

28. Университетда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўкув режалари ва фанларнинг дастурлари, университет ректори (ўкув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўкув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим стандартлари, малакавий талаблар, ўкув режалари ва дастурлар, шунингдек, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг билимини баҳолаш ҳамда ўкув жараёнининг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш тизими Университет томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўкув режалари ва фан дастурлари Университет томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуг ва воситаларини танлаш йўли билан университет талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёни бирлиги давлат таълим стандартлари ва малака талаблари билан таъминланади. Университетнинг ижтимоий-иктисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спортга оид тадбирларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ёшлар билан ишлаш бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

Университет ректори узрли сабабларга қўра ёки хизмат сафарида бўлганда ўкув ишлари бўйича проректор, у ҳам бўлмаган тақдирда бошқа проректорлардан бири университетда чиқариладиган ички буйруқлар ва бошқа ҳужжатларга университет ректори билан келишилган ҳолда имзо қўйиш ваколатига эга.

29. Университетда ўкув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс иши бакалаврлик битириув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси белгиланган.

Таълим ва тарбиявий ишлар ўзбек, рус, инглиз ҳамда бошқа ўрганилаётган хорижий тилларда олиб борилади.

30. Университетда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажralган (кундузги) ҳамда ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда (кечки ва сиртқи) олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Узстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандартлари қўлланилади.

Талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда 3069-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тартибга солинади, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 июнда 1963-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

31. Университетда илгор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модуль тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

V. Тошкент давлат шарқшунослик университетининг таркиби¹

32. Университетнинг таркибига куйидагилар киради:

a) факультетлар:

1. Шарқ филологияси ва таржимашунослик;
2. Шарқ цивилизацияси ва тарих;
3. Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти, сиёсати ва туризм;
4. Хитойшунослик;
5. Кореяшунослик;
6. Японшунослик;
7. Туркшунослик.

b) кафедралар:

1. Араб филологияси;
2. Эрон-афғон филологияси;
3. Жанубий ва Жанубий Осиё тиллари тиллари;
4. Мумтоз филология ва адабий манбашунослик;
5. Таржимашунослик ва халқаро журналистика;
6. Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик;
7. Шарқ мамлакатлари тарихи ва антропологияси;
8. Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнологияси;
9. Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси;
10. Шарқ фалсафаси ва маданияти;
11. Педагогика ва психология;
12. Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти;
13. Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар;
14. Ташқи иқтисодий фаолият ва туризм;
15. Математика ва ахборот технологиялари;
16. Хитой филологияси;

¹ Университет факультетлари, кафедралари, бўлим ва бўлинмалари таркибига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ўзгаришлар рўйхати илова этилади.

17. Хитой тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти;
18. Корейс филологияси;
19. Корея тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти;
20. Япон филологияси;
21. Япония тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти;
22. Турк филологияси;
23. Туркий халқлар тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти;
24. Ўзбек тили ва адабиёти;
25. Ғарб тиллари.

в) бўлимлар:

1. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими;
2. Мониторинг ва ички назорат бўлими;
3. Ходимлар бўлими;
4. Бош аудитор;
5. Матбуот котиби;
6. Девонхона ва архив бўлими;
7. 1 ва 2-бўлимлар;
8. Юрисконсульт (катта юрисконсульт);
9. Ректор ёрдамчиси;
10. Режа-молия бўлими;
11. Бухгалтерия;
12. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими;
13. Ўкув-услубий бўлими;
14. Магистратура бўлими;
15. Ахборот технологиялар маркази;
16. Ахборот-ресурс маркази;
17. Сиртқи бўлими;
18. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими;
19. Психолог;
20. Талабалар турар жойи;
21. Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази;
22. Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил маркази;
23. Илмий-тадқиқотлар, инновациялар илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими;
24. Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими;
25. Тахририй-нашриёт бўлими;
26. Илмий инновацион ишларни тижоратлаштириш бўйича бўлими;
27. Кичик босмахона;
28. Халқаро ҳамкорлик бўлими.

г) Бошқарма:

1. Ишлар бошқарувчиси;
2. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
3. Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими;

4. Ўқитишининг техник воситалари бўлими;
5. Бош муҳандис.

Университет қошида Конфуций номли ўзбек-хитой институти ва Тил, таржима, малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази хўжалик ҳисобидан, ўз Устави ва бошқа меъёрий-хукукий хужожатлар асосида, шунингдек, Университет хузурида Наманган шарқшунослик техникуми ва Хива шарқшунослик техникуми ҳамда академик лицейи ўз Устави ва бошқа норматив-хукукий хужожатлар асосида фаолият юритади.

VI. Тошкент давлат шарқшунослик университетини бошқариш

33. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва университет Кенгashi, Жамоатчилик кенгashi орқали жамоатчилик бошқарувини уйғулаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

34. Университетни бевосита бошқариш амалдаги қонунчиликка мувофиқ ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор университет фаолиятига, шунингдек, университетнинг Ички тартиб қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 февралда 1222-рақам билан рўйхатдан ўtkazилган “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ университет номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, университетнинг мол-мулкига масъуллик қиласди, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида университетнинг ҳисоб ракамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради ва буйруқлар чиқаради.

Ректор университетнинг ваколати доирасида:

университетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ваколат доирасида университетнинг ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди;

университет проректорлари (йўналишлар бўйича) ваколатларини белгилайди ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди. Университетда бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, тузилмаларнинг фаолияти учун жавобгарлигини белгилайди;

Давлат таълим стандартлари ҳамда малака талаблари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этади ҳамда университетда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлайди;

профессор-ўқитувчилар, илмий-педагогик ходимлар ва бошқа ходимлар билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади ва бекор қиласди;

Университет таркибий бўлимлари ва марказлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Университетнинг ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

Университет ваколатига кирадиган масалалар бўйича турли шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилнинг 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сон ва 2019 йилнинг 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус фонди тўғрисида”ги Низомларига мувофиқ ходимларнинг лавозим маошларига белгиланган тартибда қўшимча ҳақ тўлайди;

Университет ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, университет тизимининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш юзасидан таклиф киритади;

Таълим жараёнини бошқариш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ваколатли органлар томонидан белгиланган бошқа вазифалар ижросини таъминлайди.

Ректорга Университет ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (педагогик фаолият ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилмайди.

35. “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ университетда олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар (лавозимида кўра), факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва университет ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси кенгаши вакиллари, шунингдек, илмий марказларнинг раҳбарлари, асосий ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиши тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган Кенгаш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Университет Кенгаши қуидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Университет фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиши, университет тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан самарали назорат ва мониторингни амалга ошириш, уларни амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек малакали шарқшунос кадрларни, илмий, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларни малакасини ошириш бўйича ушбу Уставда белгиланган асосий вазифаларни амалга оширади;

Юқори турувчи идоралар қарорлари ҳамда топширикларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун университет раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш;

Кенгаш университет ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш хукуқига эга.

Кенгаш унинг мажлисида таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари университет ректори буйруқлари билан амалга оширилади.

VII. Университетнинг жамоат ташкилотлари

36. Университетда Жамоатчилик кенгаши университетни бошқарувчи жамоатчилик органи сифатида ташкил этилади ва унинг таркибига университет раҳбар ходимлари, талабалари, Ёшлар иттифоқининг университет фаоллари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассассаларининг вакиллари киради.

Жамоатчилик кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

37. Университетда касаба уюшмаси қўмитаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг университетда сайланган органлари амалга оширади.

Университетда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-инновацион тўгараклар, ёш иқтидорли олимлар кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ташкил этилиши мумкин.

38. Университет Васийлик кенгаши юридик шахс ҳисобланмайди. Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Васийлик кенгашининг асосий мақсадлари - таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини самарали амалга ошириш, таълим сифатини яхшилаш, молиявий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини назорат қилиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва таълим жараёнини такомиллаштириш ҳисобланади.

Васийлик кенгаши таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик вакиллари, ҳомийлар, шунингдек Университет фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

Васийлик кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1202-сонли бўйруғи билан тасдиқланган низом ҳамда бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Университет Васийлик кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва маҳсус таълим вазири томонидан тасдиқланади.

VIII. Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

39. Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳукуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек, истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириклирилган.

40. Университет жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, университет фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш ҳукуқи берилган.

41. Университет мол-мулкни ижарага оловчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўrsatiш ҳукуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ўзига бириклирилган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳукуқисиз, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёни сифатини янада ошириш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

42. Университет таълим фаолиятини молиявий таъминлаш ишларини давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган меъёрлардан келиб чиқсан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, талabalар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

43. Университет асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим консалтинг ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириши мумкин ҳамда университет шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши лозим.

Университет ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш хуқуқига эга.

Университетнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатиши бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўрнатилган тартибда университет қошида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш курслари ташкил этилади.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

44. Университет тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгилирини қуриш, уларнинг моддий-техник таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

IX. Халқаро ҳамкорлик

45. Университет Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони ҳамда мазкур Уставга мувофиқ хорижий мамлакатларнинг таълим ва илмий марказлари, халқаро жамғармалар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш хуқуқига эга.

Университетда чет эл фуқароларини ўқитиши, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, олий таълим муассасаси илмий-педагогик ҳодимларининг хорижий мамлакатларда педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ва хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек Университетнинг хорижий давлатларнинг таълим ва илмий марказлари, халқаро жамғармалар ва бошқа ташкилотлар билан қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда тузилган шартномалари (битимлари, меморандумлари), чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузилган шартномалари асосида амалга оширилади.

46. Халқаро фаолиятни амалга оширишда Университет қўйидаги ҳуқуқларга эга:

халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;

хорижий давлатларнинг таълим ва илмий марказлари, ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар (битимлар, меморандумлар) тузиш;

хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларидан юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва олимларни дарс машғулотларига,

ҳамкорликда ўкув адабиётлари ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга жалб этиш;

хорижий ҳамкорлар иштирокида университет таркибий бўлинмалари (қўшма факультетлар, қўшма таълим дастурлари, марказлар ва бошқа бўлинмалар) ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;

Университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари, докторантларини хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш, фалсафа доктори (PhD) ва магистратура дастурлари бўйича таълим олишларини таъминлаш;

Университет талабаларини хорижий мамлакатларга стажировка, амалиёт ўташ, конференция ва танловларга юборишни таъминлаш;

Университет ва хорижий олий ўкув юртлари талабалари, таянч докторантлари ва докторантлар, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлари билан икки томонлама ўзаро алмашинув дастурларини ташкил этиш;

хорижий фуқароларни белгиланган тартибда Университетга ўкишга қабул қилиш ва уларнинг ўкишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Университет қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий мамлакатларнинг университетлари, институтлари ва ташкилотлари билан бошқа йўналишларда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш хуқуқига эга.

47. Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ҳамда талабаларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўриқнома ва амалдаги қонун хужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари асосида амалга оширилади.

Университет ректори, проректорлари, деканлари, профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабаларни (бакалавр ва магистр) хорижий сафарларга юбориш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

48. Хорижий сафарларга юборилган раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабалар (бакалавр ва магистр) бажариш лозим бўлган режа ишларини бажармаган ва ўз хатти-ҳаракатлари билан университет шаънига путур етказган ҳолларда уларга нисбатан қонунчилик асосида тегишли чоралар кўрилади.

49. Университет ташки иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан мазкур Уставда белгиланган университет фаолиятини моддий таъминлаш учун ишлатилади.

X. Якуний қоидалар

50. Университетни қайта ташкил қилиш ёки тугатиш қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

51. Университет Уставига ўзгартериш ёки қўшимчалар киритиш
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан
амалга оширилади.

РЕКТОР



Г.Ш.РИХСИЕВА